

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1165-ҳадис

1165/2736 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ لِلَّهِ تِسْعَةً وَتِسْعِينَ اسْمًا، مِئَةٌ إِلَّا وَاحِدًا، مَنْ أَحْصَاهَا دَخَلَ الْجَنَّةَ».

1165.2736. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳнинг тўқсон тўққизта - бир кам юзта исми бор. Ким уларни бирма-бир ёдлаб чиқса,\* жаннатга киради»**, дедилар».

\* Ушбу «бирма-бир ёдлаб чиқса» деб таржима қилинган сўзда нима назарда тутилгани ҳақида уламолар асосан тўртта фикрни илгари сурганлар: а) бирма-бир санаб, бирортасини ҳам қўймай айтиб чиқиш, яъни Аллоҳ таолони ўша исмларнинг ҳар бири билан зикр қилиб, мақташ; б) бирма-бир ёдлаб чиқиш. Кўпчилик, жумладан, имом Бухорий ҳам шу маънони танлаган, чунки ҳадиснинг бошқа ривоятида шу жойда айнан «ёд олиш» сўзи ишлатилган; в) уларнинг мазмун-маъноларини англаш; г) уларга кўра амал қилиш. Масалан, У Зотнинг эшитувчи, кўрувчи экани эътиборидан гуноҳ ишлардан сақланиш ёки У Зотнинг ҳалимлик ва кечиримлилик каби сифатлари билан сифатланишга ҳаракат қилиш. Муҳаққиқ уламоларимиз ҳар тўрттала маънони ҳам жамлаш мақсадга мувофиқ, деб айтганлар.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI

